

ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР КЕСКИН КАМАЙТИРИЛДИ

Оммавий ахборот воситалари хабар қилганидидек, 2025 йил 5 март куни Президент Ш.Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кенг ва тўла-текис таҳлил қилинди. Шунингдек, Президент бу борада қўлга киритилган ютуқларни ҳам атрофлича баҳолаб, уларни янада кўпайтириш ҳамда коррупция деган жирканч иллатга қариш бутун жамият аъзолари билан бир жон, бир тан бўлиб курашишни янада самарали даражага кўтариш бўйича бир талай фикр ва кўрсатмалар берди.

Хусусан, Президент Ш.Мирзиёев коррупцияга қариш кураш давомида эришилган ютуқлар тўғрисида гапирар экан, бундай ҳолатларга сабаб бўлувчи ҳуқуқий асослар, яъни қонунчиликдаги ҳолатларни камайтириш ва уни янада такомиллаштириш орқали тегишли натижаларга эришилаётганлигига ҳам катта эътибор қаратди. Жумладан, мисол тариқасида аҳолига ер бериш жараёнида қонунларда коррупциявий асослар мавжудлиги туфайли фуқаролар туман ва шаҳар ҳокимлари, ва ўнга яқин бошқа давлат идоралари ўртасида сарсон бўлиб юрганлиги кўрсатилиб ўтилди. Президент тўғри таъкидлаганидек, жойларда ер ажратиш масаласи коррупция “ўчоғи”га айланиб қолганлиги бор гап.

Ер ажратиш масаласида коррупция “ўчоғи”нинг мавжуд бўлишига Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилиги ислоҳотлари ўтказилишидан аввал мавжуд бўлган ҳолатлар сабабчи ҳисобланади. Эски қонунчиликка кўра ер ажратиш масалаларида маъмурий механизм устивор бўлиб, туман ва шаҳар ҳокимларига ер ажратиш ваколати тўлалигича бериб қўйилган эди. Хусусан, Ер кодексига 16 август 2021 йилда киритилган ўзгартиришларга қадар туманлар давлат ҳокимияти органлари фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга ва ижарага ер бериш, фермер хўжалиқларини юритиши учун фуқароларга ер бериши каби ваколатларга эга эканлиги белгиланган эди. Ер бериш ваколатлари шаҳар давлат ҳокимияти органларида ҳам мавжуд эди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ҳам ер бериш масалаларида коррупцияга сабабчи бўлувчи юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерларни эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришлари белгиланган эди.

Туман, шаҳар ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат ҳокимият органларининг ер бериш ваколатлари амалда бу ваколатларнинг қўпол суистеъмол қилинишига сабаб бўлиб, коррупцион ҳолатларни вужудга

келтирган. Амалда бундай ҳолатлар кўплаб учраган: масалан, таниш-билишчилик асосида ер участкаларини бериш; ер участкаларига мухтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш; ер участкаларини олди-сотди қилишнинг “қора бозори” вужудга келиши; мутасадди раҳбарларнинг ноқонуний бойиши; ер участкаларининг талон-тарож қилиниши; аҳоли орасида ижтимоий танглик вужудга келиши ва бошқ.

Ер кодексига 16 август 2021 йилда киритилган ўзгаришлардан сўнг ер беришга тааллуқли бўлган коррупцион ҳолатларга барҳам берилди. Бу ҳолатларга қуйилдагилар киради:

Биринчидан, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер бериш ваколатлари бутунлай Ер кодексидан чиқарилди. Бу ҳолат ер беришда маъмурий механизмлардан воз кечилганлигини билдиради. *Иккинчидан*, эндиликда ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга давлат томонидан беришнинг бозор муносабатларига асосланган *электрон онлайн-аукцион* тартиби жорий этилди.

Ер қонунчилиги ислохотларига кўра эндиликда жисмоний шахслар ер участкаларини икки хил шаклдаги ердан фойдаланиш ва эгалик қилишга олишлари мумкин: 1) якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун 0,04 гектаргача ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида; 2) ижара ҳуқуқи асосида. Энг муҳими ҳар иккала ҳолатда ҳам ерга бўлган ҳуқуқ *электрон онлайн-аукцион* орқали вужудга келади, яъни давлатдан сотиб олинади. Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда ҳам вужудга келади. Хусусийлаштириш жараёнида ҳам маъмурий механизмлар тадбиқ этилмайди. Бунинг асосий сабаби, фуқаро ўзи эгаллаб ва фойдаланиб турган (ижара ҳуқуқи, мерос қилиб қолдираладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.) ер участкасини унда жойлашган иморат (иншоот)лар билан биргаликда хусусийлаштиради. Демак, хусусийлаштиришда ҳам коррупциявий ҳолатлар вужудга келмайди.

Таъкидлаш керакки, янгиланган ер қонунчилигига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига электрон онлайн-аукцион орқали эга бўлишларига нисбатан коррупциявий ҳолатлар нуқтаи назардан бирор бир шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки, бунда оператор (ер берувчи) бирор бир мансабдор шахс эмас, балки электрон онлайн-аукцион тизими (электрон савдо) ҳисобланади. Электрон тизимдан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш амри маҳол. Бу тизим электрон “ақл”га ва бозор талабларига бўйсинади.

Бироқ, янгиланган ер қонунчилигида электрон “ақл”га эмас, балки маъмурий усулга асосланган ер бериш ҳолатлари ҳам сақланиб қолган. Ер

беришнинг маъмурий усули *доимий фойдаланиш ҳуқуқи* асосида ер беришга нисбатан ишлатилади. Гап шундаки, Ер кодексининг 20-моддасига биноан *давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига* ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра асосан жамоат эҳтиёжлари учун берилади. Бунда давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг эҳтиёжлари жамоат эҳтиёжлари, деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ер қонунчилиги ислоҳотлари туфайли вужудга келтирилган ер беришнинг янги тизими ҳам халқ манфаатлари, ҳам давлат манфаатлари нуқтаи назаридан янги бўлиб, коррупциявий ҳолатларнинг вужудга келишига мустаҳкам тўсиқ ҳисобланади. Бу тўсиқнинг аҳамияти шундаки, у Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда ер бозорининг коррупциядан холи бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

Йўлдош Жўраев,
Судьялар олий мактаби ўқитувчиси,
юримдик фанлар доктори